

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ  
“ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИ”НИНГ**

**НИЗОМИ**

**САМАРҚАНД – 2018**

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**

**Самарқанд давлат архитектура-  
қурилиш институти ректори**

\_\_\_\_\_ **С.И. Ахмедов**

“\_\_” \_\_\_\_\_ **2018 йил**

**“КЕЛИШИЛДИ”**

**Ўзбекистон Республика Олий ва  
ўрта махсус таълим вазири**

\_\_\_\_\_ **И.У. Мажидов**

“\_\_” \_\_\_\_\_ **2018 йил**

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА-ҚУРИЛИШ ИНСТИТУТИ  
“ТАЙЁРЛОВ БЎЛИМИ”НИНГ**

**НИЗОМИ**

**САМАРҚАНД – 2018**

## Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти

### “Тайёрлов бўлими”нинг Низоми

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 26-сентябрдаги “Олий таълим муассасаларига кириш учун номзодларни мақсадли тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПК-3290-сон ва 2017 йил 20-апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПК-2909-сон қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 21-февралдаги “Олий таълим муассасаларида ташкил этилган тайёрлов курслари фаолиятларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 196-сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида, Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд давлат архитектура қурилиш институти Илмий кенгашининг 2018 йил 4-сентябрдаги 1-сонли қарорига мувофиқ “Тайёрлов бўлими” ташкил этилди. “Тайёрлов бўлими” асосан бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳамда шартнома тўловлари ҳисобидан фаолият юритади. “Тайёрлов бўлими” 8 ойлик ўқув тайёрлов бўлиמידир.

“Тайёрлов бўлими”нинг Низоми қуйидаги тузилишга эга:

1. Умумий қоидалар.
2. “Тайёрлов бўлими”нинг мақсад ва вазифалари.
3. Таълим олувчилар.
4. Ўқув-тарбиявий ва ўқув-услибий ишлар.
5. “Тайёрлов бўлими”нинг тузилиши.
6. Педагог ходимлар, ўқув-тарбиявий ҳамда ишчи ходимлар.
7. “Тайёрлов бўлими”га раҳбарлик қилиш.
8. “Тайёрлов бўлими”нинг мол-мулки ва маблағлари.
9. Яқуний қоидалар.

“Тайёрлов бўлими”нинг Низоми 9 та бўлим ва 53 та банддан иборат.

## 1. Умумий қоидалар

1. Мирзо Улуғбек номидаги Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти “Тайёрлов бўлими” қизиқиши, ҳохиши ва истаги ҳамда имкониятларни эътиборга олиб, олий ўқув юртига ўқишга кирувчи ўқувчиларни махсус фанларни чуқурлаштирилган таълим бўйича ўқитиш муассасасидир.
2. “Тайёрлов бўлими” ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентнинг фармонлари, қарорлари, фармойишлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ҳайъат қарорлари ва буйруқлари, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигининг буйруқлари, йўриқномалари, кўрсатмалари, Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтининг илмий кенгаш қарорлари ва ректор буйруқлари, таълим тизимида оид меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек, ушбу Низомга асосан амалга оширади.
3. “Тайёрлов бўлими” берилган моддий техник базасини сақлаб қолиш, мустаҳкамлаш ва ривожлантириш тадбирларини амалга оширади, шунингдек, ажратилган маблағлардан рационал ва самарали фойдаланишни назорат қидади.
4. “Тайёрлов бўлими”нинг Низомига кўра ўқувчиларни қабул қилиш шартнома асосида амалга оширилади.
5. “Тайёрлов бўлими”га ўқувчиларни қабул қилиш бўйича институт ректори раислигида маслаҳат кенгаши ташкил этилади. Маслаҳат кенгашининг таркиби, унинг фаолияти, ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда фаолиятини ташкил этиш тартиби Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти ректори томонидан белгиланади.
6. “Тайёрлов бўлими”нинг иш фаолияти ва ходимлар иш ҳақи бюджет ва бюджетдан ташқари тушадиган маблағлар ҳамда шартнома тўловларидан амалга оширилади.
7. “Тайёрлов бўлими” фаолиятининг умумий кўрсаткичи даромат ҳисобланади.

8. “Тайёрлов бўлими” ўз низомига асосан фаолият юритади ҳамда ўз истиқболни мустақил равишда ривожлантириб боради.

9. “Тайёрлов бўлими” фаолиятининг асосий мақсад ва вазифаси. Давлат ва хусусий корхоналар, фирмалар, ташкилотлар ва жисмоний шахсларга низом доирасида хизмат кўрсатиш.

10. “Тайёрлов бўлими” Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти ҳисобхонасида очилган ўз балансига ва ҳисоб рақамига эга.

11. “Тайёрлов бўлими”нинг тўлиқ манзили: Самарқанд шаҳар, Лолазор кўчаси, 70 уй, Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти қошидаги “Тайёрлов бўлими”.

## **II. “Тайёрлов бўлими”нинг мақсад ва вазифалари**

12. “Тайёрлов бўлими”нинг мақсади – ўқувчиларни ҳар томонлама ривожланган, маданиятли шахс сифатида шакиллантириш, шунингдек, жамиятда ўзларининг мустақил ўрнини топиш, таълим ва касблар бўйича дастурларни танлаш, уларни ўзлаштириш учун асос яратиш, фундаментал илмий-назарий пухта билимга эга бўлишлари учун шарт-шароитлар яратиш. Бунинг учун ўқув жараёнининг сифат ва самарадорлигини ошириш, ўқувчиларнинг билим даражасини ривожлантиришда олий таълим муассасасининг ўқув ва илмий салоҳиятидан, моддий-техника базасидан, таълим ва ахборот ресурсларидан фойдаланишни ташкил этиш ва пировард натижада ўқувчиларнинг олий таълим муассасаларига ҳамда хорижий таълим муассасалари (Москва давлат қурилиш университети ва Москва архитектура институти ва ҳ.) билан қўшма таълим дастурлари бўйича бакалавр ва магистрлар тўлов контракт асосида мақсадли ўқишга киришига таёрлаш.

13. Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти “Тайёрлов бўлими”нинг вазифалари:

- олий таълим муассасаларида ўқишни давом эттириши учун таёрлайдиган таълим дастурларининг бажарилишини таъминлаш;
- “Тайёрлов бўлими”га энг истеъдодли ва иқтидорли ўқувчиларни кириш имтиҳонлари орқали (танлаган таълим йўналишлари бўйича) танлаб олиш;
- давлат таълим стандарти талаблари бажарилишини таъминлаш;

- ўқувчиларнинг интеллектуал қобилиятларини янада ривожлантириш ва ўқишини олий таълим муассасаларида давом эттиришга мукамал даражада тайёрлаш;
- ўқувчиларнинг танлаган таълим йўналишлари бўйича чуқурлаштирилган билим олишлари учун кенг имкониятлар яратиб бериш;
- ўқувчиларнинг ижодий салоҳияти, қобилияти, индивидуал истеъдодларини намоён бўлиши ва фаоллашувига кўмаклашувчи, ҳар бир ўқувчининг мустақил фаолият кўникмаларини шакллантирувчи ҳамда ривожлантирувчи таълим муҳитини яратиш;
- илғор маҳаллий ва хорижий таълим муассасаларининг тажрибасини ҳисобга олган ҳолда таълим жараёнини ташкил этишнинг замонавий шаклларини жорий этиш;
- таълим жараёнида илғор педагогик ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг қўлланишини таъминлаш;
- илмий-методик тавсиялар ишлаб чиқиш ва уларни таълим-тарбия жараёнига тадбиқ этиш;
- “Тайёрлов бўлими” фаолиятига оид мониторинг натижаларини олий таълим муассасасининг илмий кенгаши муҳокамасига киритиш;
- “Тайёрлов бўлими”нинг иқтидорли ўқувчиларини олимпиадалар, кўрик-танловлар орқали аниқлаб, рағбатлантириб бориш, республика ва ҳалқаро фан олимпиадаларига тайёрлаш;
- ўқув тарбиявий жараёнда соғлом муҳитни амалга ошириш учун шароитлар яратиш, соғлом турмуш тарзи меъёрларини амалда тадбиқ этиш;
- ўқувчиларда ватанпарварликни, ўз Ватани билан фахрланиш ҳис-туйғусини ривожлантириш, миллий ўзлигини англаш, халқимизнинг миллий, маданий, тарихий анъаналарига ҳурмат билан қарашни кучайтриш;
- ўқувчиларнинг изчил интеллектуал, маданий ва маънавий-ахлоқий камол топишига бўлган эҳтиёжларини қондириш;

- айрим фанлар чуқур ўрганиладиган давлат ихтисослаштирилган умумтаълим муассасалари билан таълимнинг узлуксизлиги ва узвийлиги тамойиларига риоя қилган ҳолда иқтидорли ўқувчилар билан иш олиб бориш доирасида ўзаро амалий ҳамкорликни йўлга қўйиш;

Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти “Тайёрлов бўлими”га тизимли асосда ҳар томонлама методик ва амалий ёрдам кўрсатилишини ташкил этиш;

- “Тайёрлов бўлими”ни салоҳиятли ва маҳоратли профессор-ўқитувчилар билан таъминлаш.

“Тайёрлов бўлими” математика, физика, ўзбек тили ва адабиёти, рус тили ва адабиёти, чет тили (инглиз, немис, француз тиллари), чизмачилик, расм, рангтасвир, қаламтасвир, дизайн ва тарих фанлари бўйича тайёрлаш учун ўқувчилар қабул қилади.

Ўқиш шартнома асосида. Шартнома икки томонлама (“Тайёрлов бўлими” ва ўқувчи) ёки уч томонлама (“Тайёрлов бўлими”, корхона ва ўқувчи) бўлиши мумкин. Таълим шакли ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда кундузги. Ўқиш муддати 8 ой.

Ўқувчилар учун Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти талабаларига белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳам тегишлидир.

Ўқувчилар белгиланган аудитория, лаборатория ва кутубхоналардан фойдаланишади.

“Тайёрлов бўлими”га ўрта (тўлиқ) умумий ва ўрта махсус таълимга, шунингдек, академик лицей, касб-хунар коллежларини битирган ўқувчилар ҳужжат торширишлари мумкин.

“Тайёрлов бўлими”га ҳужжатлар 10-сентябрдан 10-ноябргача қабул қилиниб, 11–14 ноябрь кунлари имтиҳон ўтказилади. Имтиҳон барча ихтисосликларда I ва II блоклар бўйича умумтаълим фанлари дастури ҳажмида ўтказилади.

Имтихонлардан ижобий ўтган ва Тўлов контракт шартларини тўлиқ амалга оширганлар 14-ноябрь куни “Тайёрлов бўлими” нинг ўқувчилари сафига қабул қилинадилар. “Тайёрлов бўлими”да машғулотлар 15-ноябрдан бошланади.

Тайёрлов бўлими”га қабул қилинганлар эҳтиёжига қараб ётоқхона билан таминланади.

“Тайёрлов бўлими”да Педагогик Кенгаш мавжуд бўлиб, унда ўқув соатлари, хажми, ўқитиш савияси, ўқувчилар дарсларни ўзлаштириб боришлари ва тест технологиясига оид барча янгиликлар муҳокама қилиб борилади. “Тайёрлов бўлими”да гуруҳлар ташкил қилиниб, унда ўқитиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. Ўқиш ҳафтасига 6 кун ва ҳар куни 6 соатдан, ҳамда ҳафтасига 6 кун ва ҳар куни 2 соатдан мустақил дарс ўтилади.

Ўқувчилар ҳар икки ойда аттестация ва тест синовларидан ўтадилар, натижалари Педагогик Кенгашда муҳокама қилиб борилади. Ўқув йили давомида 4 марта айнан ДТМ талабларига мос апробация-тест синовлари ўтказилади. “Тайёрлов бўлими”даги машғулотлар тест блокларидаги мутахассисликларга мос фанлар дастури асосида олиб борилади.

“Тайёрлов бўлими”даги ўқув фанлари институтда ишлайдиган профессор-ўқитувчилар ва олий маълумотли энг малакали, умумтаълим фанлари дастурини мукамал биладиган тажрибали мутахассислар томонидан ўқитилади.

“Тайёрлов бўлими”нинг асосий вазифаси ўқувчиларнинг умумтаълим билим даражасини кўтариш, билим савиясини ошириш, Олий ўқув юртларининг мос келадиган факультетларига ўқишга кирадиган юқори билим ва салоҳиятли ўқувчиларни мақсадли тайёрлашдан иборат.

14. “Тайёрлов бўлими”нинг мажбуриятлари:

- Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва дастурлари, юқори турувчи давлат бошқарув органларининг тегишли буйруқлари ва кўрсатмалари бажарилишини таъминлайди;
- давлат таълим стандартларига мувофиқ соҳа йўналишлари бўйича



Ўқувчиларнинг интенсив интеллектуал ривожланишини ва мақсадли пухта ўқитиш таъминлайди;

- ўқувчиларнинг республика, халқаро фан олимпиадалари ва кўрик-танловларда самарали иштирокини таъминлайди;

- доимий равишда ўқувчиларнинг илм даражасини ошириб боришни таъминлади;

- ота-оналар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат ташкилотлари ва бошқа манфаатдор давлат идоралар билан ўқув-тарбиявий ишларини ривожлантириш бўйича ҳамкорлик ишларини олиб боради;

- ўқувчиларни танлаган таълим йўналишлари бўйича фанлардан чуқурлаштирилган билим олишлари учун имкониятлар яратиб беради;

- ўқувчиларнинг интеллектуал қобилиятларини янада ривожлантириш ва ўқишни олий таълим муассасаларида давом эттиришга тайёрлайди;

- ўқувчиларнинг ижодий салҳияти намоён бўлиши ва фаоллашишига кўмаклашувчи, индивидуал истеъдодларни ва ҳар бир ўқувчининг қобилиятини ҳисобга олган ҳолда, билимларни эгаллаб олиш жараёнида мустақил фаолият кўникмаларини шакллантирувчи ва ривожлантирувчи таълим муҳитини яратади;

- илғор маҳаллий ва ҳорижий таълим муассасаларининг тажрибаларини ҳисобга олган ҳолда таълим жараёнини ташкил этишнинг замонавий шакиллари жорий этиш ва унинг мазмунини доимий равишда янгилаб боришга ҳаракат қилади;

- таълим сифатини яхшилаш, ўқув-тарбия жараёнининг самарадорлигини ошириш, ривожлантириш ишларини амалга оширади;

- ўқув-тарбия жараёнида соғлом муҳитни амалга ошириш учун шароитлар яратиш, соғлом турмуш тарзи меъёрларини амалда тадбиқ этади;

- ўқувчиларда ватанпарварликни, ўз Ватани билан фахрланиш ҳис-туйғисини ривожлантириш, миллий ўзлигини англаш, халқимизнинг миллий, маданий, тарихий анъаналарига ҳурмат билан қарашни кучайтиради ҳамда шакиллантиради.

15. “Тайёрлов бўлими”нинг ҳуқуқлари:

- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларига, давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва дастурлари, юқори турувчи давлат бошқарув органларининг тегишли буйруқлари ва кўрсатмалари асосида фаолият олиб боради;
- ота-оналар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат ташкилотлари ва бошқа манфаатдор идораларга ўқув-тарбиявий ишларини ривожлантириш бўйича ҳамкорлик қилади;
- турли молиявий манбалардан фойдаланиб, ”Тайёрлов бўлими”нинг хусусий (махсус) фондини шакиллантиради;
- ўқишда (ишда) алоҳида юқори кўрсаткичларга эришган ўқувчи ва ўқутувчилар ҳамда ишчи-ходимларни (моддий ва маънавий), мукофотга тақдим этади, лозим бўлганда уларга интизомий жазо чораларини қўллаш учун тавсия беради;
- “Тайёрлов бўлими” эҳтиёжи учун белгиланган тартибда зарур жиҳозларни ва бошқа ресусларни корхона ва ташкилотлардан белгиланган тартибда ижарага олади.

### **III. Таълим оливчилар**

16. “Тайёрлов бўлими”га ўқувчиларнинг ҳужжатларини қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган низомга мувофиқ амалга оширилади.

17. “Тайёрлов бўлими”да ўқувчиларни қабул қилиш бўйича бўлим бошлиғи раислигида маслаҳат кенгаши ташкил этилади. Маслаҳат кенгаши таркиби, унинг ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда фаолиятини ташкил этиш тартиби Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти ректори томонидан белгиланади.

18. “Тайёрлов бўлими”га қабул қилиш ва четлаштиришни расмийлаштириш тегишли қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади. Четлаштирилганда шартнома тўлов пули эгасига қайтарилмайди.

19. “Тайёрлов бўлими” ўқувчиларининг ҳуқуқлари:

- таълим йўналишини ихтиёрий танлаш;
- Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти ўқув бинолари, лаборатория, ахборот ресурс маркази (кутубхона), спорт мажмуаларидан фойдаланиш, ўзларининг қобилиятини намоён қилиш ва ривожлантириш, ўз салоҳиятини ўстириш, ўз билимларини фанлар бўйича чуқурлаштириш;
- замонавий фан ва техника тараққиётига мос билимларни эгаллаш;
- таълим муассасаси фаолиятида, энг муҳим масаларни ҳал қилишда ва ижодий фаолиятида иштирок этиш, ўқув режаси доирасидан ташқари вақтида ижтимоий, спорт ва фан тўғралакларига қатнашиш орқали билим олиш;
- ўз фикрини эркин баён этиш;
- “Тайёрлов бўлими”ўқувчилари ўқишни тугатгунга қадар турар жойдан фойдаланиш;
- Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтининг кутубхонаси, ўқув-устахонаси, ўқув-заллари, ўқув-лаборатория ускунаси, компьютер техникаси ва бошқа ташкилий техника, дарсликлар ҳамда қўлланмаларидан фойдаланиш;
- умумтаълим фанлари бўйича дарсликларни ижара асосида фойдаланиш;
- турли танловлар, республика ва халқаро олимпиадаларда иштирок этиш;
- ўқувчилар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

## 20. “Тайёрлов бўлими” ўқувчиларининг мажбуриятлари:

- “Тайёрлов бўлими” низоми ва институтнинг ички тартиб-қоида талаблари, санитария-гигиена меъёрлари ва ахлоқ-одоб қоидаларига риоя этиш;
- давлат таълим стандарти ва ўқув режаларида белгиланган ўқув фанлари бўйича пухта билим эгаллаш ва тўлиқ ўзлаштириш;
- жамоат тартибига ва кийиниш маданиятига риоя этиш;
- конференцияларда ва ”Тайёрлов бўлими”нинг бошқа ўқув-тарбиявий тадбирларида фаол иштирок этиш;
- “Тайёрлов бўлими” мулки (жиҳозлар, дарсликлар, ўқув қўлланмалари, ўқув журналлари, ўқув-лаборатория жиҳозлари)га эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш;

- чуқурлаштириб ўтиладиган фанлар бўйича бошланғич илмий кузатишлар олиб бориш;

#### **IV. Ўқув-тарбиявий ва ўқув -методик ишлар**

21. Ўқув-тарбия жараёнининг мазмуни Давлат таълим стандартларига мувофиқ ишлаб чиқилган ўқув режалари ва ўқув дастурлари асосида белгиланади. “Тайёрлов бўлими”да таълим жараёни давлат тили ва рус тилларида олиб борилади.

22. “Тайёрлов бўлими”да ўқув гуруҳлари таркиби 26-30 нафар ўқувчидан ортиқ бўлмаган тарзда шакллантирилади. “Тайёрлов бўлими”да ўқитишнинг кундузги ишлаб чиқаришдан ажралган шаклига амал қилинади. Ўқиш муддати 8 ой. “Тайёрлов бўлими”да барча ўқув машғулотларлари учун икки академик ўқув соат давомийлиги 80 дақиқа этиб белгиланади.

23. “Тайёрлов бўлими”да ўқув машғулотларини олиб бориш учун олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари, тажрибали мутахассислар жалб этилади.

24. Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти ўз структурасидаги “Тайёрлов бўлими”нинг ўқув-тарбиявий, ўқув-методик ва илмий-методик ишларини режа асосида таҳлил этади, камчиликларни бартараф этиш бўйича амалий ёрдам кўрсатади.

25. Ўқувчиларнинг билими ва кўникмаларини баҳолаш амалдаги меъёрий-хуқуқий ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

26. “Тайёрлов бўлими”да тарбиявий ишлар миллий анъаналаримиз ва умуминсоний кадриятларимиздан келиб чиқиб ташкил қилинади. Тарбиявий ишлар ўқув жараёни билан биргаликда оилалар, маҳалла, жамоат ташкилотлари, шахснинг ижодий фаолиятини шакллантирувчи, Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик тамойилларига содиқ ва жамиятнинг ривожига реал ҳисса қўша оладиган давлат ва нодавлат ташкилотлари билан биргаликда амалга оширилади.

27. Ўқишдги ютиқлари, ўқув-илмий, ижодий фаолияти ва бошқа ишларда фаол қатнашганлиги учун "Тайёрлов бўлими" ўқувчиларига турли хил маънавий ва моддий рағбатлантиришлар белгиланади.

28. "Тайёрлов бўлими"да, сабабларидан қатъий назар, назорат ишларининг исталган туридан ўқувчиларни озод қилишга йўл қўйилмайди.

29. Ўқитиш, барча ўқитилаётган фанлар бўйича якуний тест-синов назорат билан яқунланади.

30. "Тайёрлов бўлими"дан ўқувчилар ўқиш давомида фанларни ўзлаштира олмаганда ва тартиб-қоидаларга риоя қилмаганда ўқишдан четлаштирилади, четлаштирилган ўқувчиларнинг шартнома тўлов пуллар қайтарилмайди.

31. "Тайёрлов бўлими" битирувчилари якуний имтиҳонни Давлат Тест Маркази томонидан ташкил этилган комиссияга топширадилар ва тест натижаларига асосан Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институтига қабул қилинади.

32. Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти "Тайёрлов бўлими"нинг ўқув-тарбия жараёнига илмий-услубий раҳбарлик қилади.

33. Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти "Тайёрлов бўлими"даги ўқув жараёни самарадорлигини ошириш бўйича кўмаклашиш қуйидаги мезонлар билан белгиланади:

- ўқувчиларнинг олий таълим муассасаларига кириш кўрсаткичлари динамикаси;

- ўқувчиларнинг фан олимпиадалари, кўрик-танловлардаги ютуқлари.

#### **V. "Тайёрлов бўлими"нинг тузилиши**

34. "Тайёрлов бўлими"нинг штатлар жадвали амалдаги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар асосида ишлаб чиқилади, институт раҳбарияти томонидан тасдиқланади ҳамда рўйхатдан ўтказилади.

35. "Тайёрлов бўлими"да Педагогик кенгаш тузилади ва фаолият кўрсатади.

36. "Тайёрлов бўлими"нинг бўлим бошлиғи ўқув-тарбия ва методик ишлар самарадорлиги бўйича олий таълим муассасасининг илмий кенгашида ҳисобот беради. "Тайёрлов бўлими" бошлиғи олий таълим муассасаси илмий кенгаши таркибига аъзо бўлади.

## **VI. Педагог ходимлар, ўқув-тарбиявий ҳамда ишчи ходимлар**

37. “Тайёрлов бўлими”нинг педагог-ходимлари институтда ишлайдиган энг малакали, умумтаълим фанлари дастурини мукаммал биладиган, тажрибали профессор-ўқитувчилар, мутахассислар, олий маълумотли педагоглар танлов йўли билан жалб қилинади.

38. Ишга қабул қилинувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда ишни ташкил қилиш шартлари Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қонунчилиги бўйича, шунингдек, меҳнатга ҳақ тўлаш ўқув муассасасининг педагог ходимлари учун тарификация асосида, бошқарув, техник, хизмат кўрсатувчи, ўқув-ёрдамчи ходимлар учун штат жадвалига асосан давлат бюджетидан амалга оширилади.

39. “Тайёрлов бўлими” педагог ходимлари ва ишчи ходимлари амалдаги қонун ҳужжатларига асосан, олий таълим муассасаси раҳбарияти билан келишилган ҳолда, бўлим бошлиғининг тавсиясига асосан лавозимга тайинланади ёки ўз лавозимидан озод этилади.

## **VII. “Тайёрлов бўлими”га раҳбарлик**

40. “Тайёрлов бўлими”ни бошқариш Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти томонидан амалга оширилади. “Тайёрлов бўлими”нинг бошлиғи олий таълим муассасаси ректорининг буйруғи асосида лавозимга тайинланади ва озод этилади.

41. “Тайёрлов бўлими” бошлиғининг функциялари қуйидагилардан иборат:

- “Тайёрлов бўлими” тараққиётининг асосий йўналишлари, таълим сифатини ошириш ва такомиллаштириш, қўшимча молиявий маблағларни жалб қилиш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш йўлларини белгилайди;

- таълим мазмунининг турли шакллари, ўқув дастури ва режаси, ўқув жараёнининг услублари ва уларни амалга ошириш йўлларини ишлаб чиқади, ўқувчиларни қабул қилиш, ўқишдан четлаштириш масаларини муҳома қилади ҳамда амалга оширади;

- “Тайёрлов бўлими”нинг Низоми, фанлар бўйича ишчи ўқув режа, ўқув графикларини тайёрлайди ва институт Илмий кенгаши мажлисида тасдиқланади.

42. “Тайёрлов бўлими”нинг умумий фаолиятини бошқариш бўлим бошлиғи томонидан амалга оширилади, ўқув муассасаси доирасида барча педагог ходимлар, ишчилар ва ўқувчилар учун мажбурий бўлган буйруқ ҳамда кўрсатмалар беради. Бўлим бошлиғи Педагогик кенгаш раиси бўлиб, унинг фаолиятини амалга оширади.

43. “Тайёрлов бўлими”нинг бошлиғи:

- Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қонунчилиги ҳужжатларининг бажарилишини таъминлайди, таълим муассасаси фаолияти устидан умумий раҳбарликни амалга оширади, таълим сифатини яхшилаш, ўқув-тарбия жараёнининг самарадорлигини ошириш, ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилайди, унинг бажарилиши ва натижаси устидан назорат қилади;
- ўқув-тарбия жараёнининг барча фаолиятини ташкиллаштиради;
- “Тайёрлов бўлими”даги ишларнинг сифат ва самарадорлигига, болалик ва меҳнатни ҳимоя қилиш талабларининг бажарилишига жавобгардир;
- ўқув-тарбиявий жараёни ривожлантиради ва ташкил этади. Унинг бажарилиши ва натижаси устидан назорат қилади;
- ўқув режалар ва дастурларнинг бажарилишини, низом талабларига риоя қилишни таъминлайди;
- давлат ва жамоат ташкилотларида таълим муассасаси манфаатларини ҳимоя қилади, “Тайёрлов бўлими”нинг йиллик ва ойлик иш режаларини тасдиқлайди, профессор-ўқитувчилар ўқув юклагаси иш режаларининг бажарилишини назорат қилади;
- ўқув жараёнига педагогик технологияларни ва таълим воситаларини киритади;
- ўз ваколати доирасида “Тайёрлов бўлими” молиявий хўжалик масаларини ҳал этади, молиявий маблағларни шакллантиради ва улардан самарали фойдаланишни таъминлайди;
- ўқув жиҳозлари ва бошқа ўқитиш воситаларининг сақланишини таъминлайди, таълим муассасасининг моддий-техника базасини ривожлантириш ишларини ташкил этади;

- педагог кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишни амалга оширади, штат жадвалини белгиланган хизмат доирасида тасдиқлайди;
- ходимлар билан меҳнат шартномасини тузади ва тавсия беради, меҳнат, ижро интизоми ва техника ҳавфсизлиги қоидаларига амал қилишни таъминлайди;
- ходимларни рағбатлантириш бўйича тавсиялар беради;
- меҳнатни муҳофазаси ва техника хавфсизлиги бўйича ишларни ташкил этади;
- жисмоний ва юридик шахсларнинг вакилларини оғзаки ва ёзма мурожаатлари бўйича қабул қилади;
- “Тайёрлов бўлими” ўқувчиларини олий таълим муассасасига ўқишга кириши камида 75% бўлиши учун фаолият олиб боради.

44. “Тайёрлов бўлими” бошлиғи амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа вазифаларни ҳам амалга оширади.

### **VIII. “Тайёрлов бўлими”нинг мол-мулки ва маблағлари**

45. “Тайёрлов бўлими”фаолиятини молиялаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қуйидаги манбалар ҳисобидан амалга оширилади:

- Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар;
- шартнома тўловидан тушадиган маблағлар;
- юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик маблағлари;
- қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

46. “Тайёрлов бўлими” қонунда белгиланган тартибда таъсисчининг мол-мулкидан фойдаланади. “Тайёрлов бўлими” эҳтиёжи асосида ўрнатилган тартибда зарур моддий жиҳозларни ва бошқа ресурсларни корхона ва ташкилотлардан белгиланган тартибда ижарага олади.

47. Ўқишда (ишда) алоҳида юқори кўрсаткичларга эришган ўқувчи ва ўқитувчилар ҳамда ишчи-ходимларни моддий ва маънавий мукофотга ҳамда лозим бўлганда уларга интизомий жазо чораларини қўллашга тавсия этади.

48. Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан тасарруфидаги “Тайёрлов бўлими” учун ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, ўқув жиҳозлари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув қўлланмалари сотиб олишда моддий қўллаб-қувватлайди.



49. “Тайёрлов бўлими” ўз хизматларини реализация қилишда, шунингдек, хизмат кўрсатиш ишларини мустақил белгилайди.

50. “Тайёрлов бўлими”нинг иш фаолияти тўхтатилганда, мол-мулк шу бўлимда меҳнат шартномаси асосида ишлаётган шахслар меҳнатига ҳақ тўлаш ва бўлимнинг қарзларини тўлаш учун сарфланади. Қолган мол-мулк ва маблағлар таъсисчи Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти ҳисобида қолади.

### **IX. Яқунловчи қоидалар**

“Тайёрлов бўлими” ни ташкил этиш ва тугатиш

51. Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти структурасидаги “Тайёрлов бўлими” Ўзбекистон Республикаси Вазилар Маҳкамаси қарори билан ташкил этилади ва тугатилади.

52. Мазкур Низом Самарқанд давлат архитектура-қурилиш институти Илмий кенгашида тасдиқланди.

53. Низомга ўзгартириш ёки қўшимчалар киритиш қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

**Мазкур “Низом” институт Илмий кенгашининг  
2018 йил 4-сентябрдаги 1-сонли қарори билан  
маъқуллаган.**